

## Хужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси юзасидан

### МАЪЛУМОТ

“Ўзавтосаноат” АЖ ўз фаолиятини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ амалга оширувчи хўжалик бошқаруви органи ҳисобланади.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, вазирликлар ва идоралар, агар уларга қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ёки ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича ваколатлар берилган бўлса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, **“Ўзавтосаноат” АЖга юқорида кўрсатилган қонун ҳужжатларининг ҳеч бирида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ваколати берилмаган.**

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига кўра, юримдик хизматлар қуйидаги ҳолларда коррупцияга қарши экспертиза ўтказади: ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини — улар кўриб чиқиш учун манфаатдор органларга киритилгунига қадар; идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни — улар давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритилгунига қадар.

Юқоридагиларга мувофиқ **“Ўзавтосаноат” АЖ томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмаган.**

Шу билан бирга, “Ўзавтосаноат” АЖнинг юримдик бошқармаси ва Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти томонидан 2024 йил давомида 334-та ички ташкилий-бошқарув ҳужжатлар (213-та буйруқ, 13-та фармойиш, 66-та бошқарув қарорлари, 42-та бошқа масалалар бўйича йиғилиш қарорлари) амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш борасида ўрганилиб, келишилган.